# IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йил январь-декабрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 16935,1 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 132,2 % ни ташкил қилди. Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 5595,2 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 5799,9 минг сўмни ташкил этди.

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўп улуши, яъни 55,3 фоизи вилоятнинг 6 та ҳудуди ҳиссасига, жумладан Олмалиқ шаҳри 11,7 фоиз, Чирчиқ шаҳри 10,2 фоиз, Қибрай тумани 8,8 фоиз, Оҳангарон шаҳри 8,5 фоиз, Зангиота тумани 8,4 фоиз ва Бўстонлиқ тумани 7,7 фоизи ҳисобига тўғри келди.

**2019 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми** *(млрд.сўм)*



**2019 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари** *(% да)*




Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Оҳангарон шаҳри 414,5 фоиз, Нурафшон шаҳри 257,5 фоиз, Оққўрғон тумани 249,3 фоиз ва Қуйичирчиқ туманида 227,8 фоиз ўсиш кузатилди.

**2019 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори**




Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Оҳангарон шаҳар 38451,3 минг сўм, Нурафшон шаҳар 18053,7 минг сўм, Олмалиқ шаҳар 15190,6 минг сўм ва Чирчиқ шаҳрида 11050,7 минг сўмни ташкил этди. Аксинча паст кўрсаткични Бекобод тумани 934,2 минг сўм, Бўка тумани 1146,1 минг сўм ва Пискент туманида 1189,0 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

| | *млрд.сўм* | *ўсиш суръати, %* | *якунга нисбатан %* |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга киритилган инвестициялар** | **16935,1** | **132,2** | **100,0** |
| шу жумладан: | | | |
| **Марказлашган инвестициялар:** | **4223,0** | **138,1** | **24,9** |
| бюджет маблағлари | 2253,6 | 571,8 | 13,3 |
| ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси | 463,4 | - | 2,7 |
| тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари | 1093,3 | 84,8 | 6,5 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 412,7 | 67,0 | 2,4 |
| **Марказлашмаган инвестициялар** | **12712,1** | **168,9** | **75,1** |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 4150,1 | 132,5 | 24,5 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 1777,1 | 86,7 | 10,5 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | 4147,4 | 331,6 | 24,5 |
| кафолатланмаган хорижий кредитлар | 1035,1 | 1757,4 | 6,1 |
| бошқа хорижий инвестициялар | - | - | - |
| аҳоли маблағлари | 1602,4 | 154,6 | 9,5 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2019 йил январь-декабрь ойларида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 4150,1 млрд.сўм якунга нисбатан 24,5 % ни ташкил қилди.

**2019 йил январь-декабрь ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари**







Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2019 йилнинг январь-декабрида 4147,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 331,6 % ни ташкил қилди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича етакчи ўринларда Оҳангарон шаҳар 1338,8 млрд.сўм ва Ангрен шаҳри 459,9 млрд.сўмни ташкил этди. Аксинча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Янгийўл шаҳри 23,8 млрд.сўм, Тошкент тумани 25,5 млрд.сўм ўзлаштирилди.

## Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кафолатланмаган кредитлар

*(млрд.сўм)*

| | Жами хорижий инвестиция ва кредитлар | *шу жумладан:* Инвестиция | Кредит | Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция | *шу жумладан:* Реинвестиция | Кафолат-ланмаган кредитлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича** | **5 595,2** | **4 147,4** | **1 447,8** | **4 147,4** | **1 031,9** | **1 035,0** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | |
| Нурафшон | 79,1 | 58,2 | 20,9 | 58,2 | - | - |
| Олмалиқ | 136,0 | 73,8 | 62,2 | 73,8 | - | 60,6 |
| Ангрен | 569,4 | 459,9 | 109,5 | 459,9 | - | 109,5 |
| Бекобод | 422,7 | 102,6 | 320,1 | 102,6 | - | 320,1 |
| Оҳангарон | 1 367,8 | 1 338,8 | 29,0 | 1 338,8 | 879,7 | 29,0 |
| Чирчиқ | 426,1 | 129,6 | 296,4 | 129,6 | 1,9 | 200,3 |
| Янгийўл | 23,8 | 23,8 | - | 23,8 | - | - |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Оққўрғон | 160,6 | 56,5 | 104,1 | 56,5 | - | - |
| Оҳангарон | 159,0 | 126,8 | 32,2 | 126,8 | - | 32,2 |
| Бекобод | 37,2 | 35,5 | 1,6 | 35,5 | - | - |
| Бўстонлиқ | 340,8 | 333,6 | 7,2 | 333,6 | 41,9 | - |
| Бўка | 23,7 | 22,7 | 0,9 | 22,7 | - | - |
| Қуйичирчиқ | 113,0 | 111,2 | 1,9 | 111,2 | - | - |
| Зангиота | 449,5 | 273,5 | 176,0 | 273,5 | - | 63,4 |
| Юқоричирчиқ | 230,2 | 165,8 | 64,5 | 165,8 | 24,9 | 55,3 |
| Қибрай | 309,2 | 208,4 | 100,8 | 208,4 | 11,4 | 57,7 |
| Паркент | 99,9 | 65,0 | 34,9 | 65,0 | - | 33,0 |
| Пискент | 46,3 | 45,8 | 0,5 | 45,8 | - | - |
| Ўртачирчиқ | 162,8 | 128,0 | 34,9 | 128,0 | - | 28,1 |
| Чиноз | 160,3 | 158,7 | 1,6 | 158,7 | 35,5 | - |
| Янгийўл | 205,0 | 203,8 | 1,2 | 203,8 | 36,8 | - |
| Тошкент | 72,8 | 25,5 | 47,3 | 25,5 | - | 45,9 |

### 2019 йил январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

| | *жами млрд.сўм* | *фоизда* | *Давлат* | *фоизда* | *Нодавлат* | *фоизда* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жами, млрд. сўм** | **16935,1** | **100,0** | **3402,6** | **20,1** | **13532,5** | **79,9** |
| *шу жумладан:* умумий ҳажмга нисбатан % да | | | | | | |
| қурилиш-монтаж ишлари | 8668,1 | 51,2 | 2913,1 | 17,2 | 5755,0 | 34,0 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 6656,2 | 39,3 | 273,1 | 1,6 | 6383,2 | 37,7 |
| бошқа харажатлар | 1610,8 | 9,5 | 216,4 | 1,3 | 1394,3 | 8,2 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2019 йил январь-декабрь ойларида қурилиш-монтаж ишларига йўналтирилган улуши 51,2 % ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

*(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)*

*(млрд.сўм)*

| | *январь-декабрь* | | | |
|---|---|---|---|---|
| | *2018 й.* | *Умумий ҳажмга нисбатан %да* | *2019 й.* | *Умумий ҳажмга нисбатан %да* |
| **Жами:** | **9351,4** | **100,0** | **16935,1** | **100,0** |
| *шу жумладан:* иқтисодий фаолият турлари бўйича | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | 521,4 | 5,6 | 769,0 | 4,5 |
| тоғ-кон саноати | 1428,8 | 15,3 | 2152,0 | 12,6 |

| | *январь-декабрь* | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ***2018 й.*** | ***Умумий ҳажмга нисбатан %да*** | ***2019 й.*** | ***Умумий ҳажмга нисбатан %да*** |
| қайта ишлаш саноати | 2845,6 | 30,4 | 5041,7 | 30,0 |
| электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 257,4 | 2,8 | 646,7 | 3,8 |
| сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш | 132,6 | 1,4 | 538,0 | 3,2 |
| қурилиш | 113,6 | 1,2 | 720,1 | 4,3 |
| улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 140,1 | 1,5 | 188,1 | 1,1 |
| ташиш ва сақлаш | 312,8 | 3,4 | 749,8 | 4,4 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 37,5 | 0,4 | 109,4 | 0,6 |
| алоқа ва ахборотлаштириш | 59,5 | 0,6 | 71,2 | 0,4 |
| молия ва суғурта фаолияти | 45,2 | 0,5 | 109,2 | 0,6 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар | 44,3 | 0,5 | 45,6 | 0,3 |
| малакавий, илмий ва техникавий фаолият | 162,6 | 1,7 | 670,6 | 4,0 |
| маъмурий ва қўшимча хизматлар | 66,4 | 0,7 | 104,4 | 0,6 |
| давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот | 297,0 | 3,2 | 877,6 | 5,2 |
| таълим | 263,7 | 2,8 | 475,7 | 2,8 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 456,2 | 4,9 | 749,8 | 4,4 |
| санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 294,0 | 3,1 | 794,1 | 4,7 |
| уй-жой қурилиши | 1855,1 | 19,8 | 2009,1 | 11,8 |
| бошқа фаолият турлари | 17,6 | 0,2 | 113,0 | 0,7 |

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иктисодий фаолият турлари бўйича** *(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)*




Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида 5041,7 млрд.сўм (жами инвестициялар ҳажмида 30,0%) ташкил этди. Тоғ-кон саноатида 2152,0 млрд.сўм (12,6 %). Уй-жой қурилиши 2009,1 млрд.сўм (11,8 %). Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 769,0 млрд.сўм (4,5 %).Давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот 877,6 млрд.сўм (5,2 %) инвестициялар жалб қилинди. Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш 794,1 млрд.сўм (4,7 %). Ташиш ва сақлаш 749,8 млрд.сўм (4,4 %). Сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш 538,0 млрд.сўм (3,2 %). Малакавий, илмий ва техникавий фаолият 670,6 млрд.сўм (4,0 %).Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 749,8 млрд. сўм (4,4 %). Таълим 475,7 млрд.сўм (2,8 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 109,4 млрд.сўм (0,6 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

## Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши

2019 йил январь-декабрь ойларида умумий майдони 1580,9 минг кв.м бўлган 9373 та шундан қишлоқ жойларида 1136,7 минг кв.м 7390 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2019 йил январь-декабрь ойларида 4879,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 135,9 %ни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 73,8 %и бинолар ва иншоотларни, 11,8 %и фуқаролик қурилиши объектларини ва 14,4 %и ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 4599,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,2 %ни (2018 йил январь-декабрь ойига нисбатан ўсиш суръати 136,6 %ни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**
*(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)*



**Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати**

*(2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан, %да )*




Хусусан юқори ўсиш суръатлари Чирчиқ шаҳар 158,0 % ва Ангрен шаҳари 155,7 % кузатилди. Аксинча энг паст кўрсаткич Оққўрғон тумани 112,0 % Ўртачирчиқ тумани 116,1 % ва Тошкент тумани 118,6 %ни ташкил қилди.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига қурилиш соҳасида 3488 та корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 829 тага ёки 31,2 % га кўпдир. Шунингдек, 2019 йил январь-декабрь ойларида вилоятда 892 та қурилиш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 53,5 фоизга кўпайган.

**Рўйхатга ўтганлар сони**

- 2020 йил 1 январда 3488 та
- 2019 йил 1 январда 2659 та

**Фаолият кўрсатаётганлар сони**

- 2020 йил 1 январда 2971 та
- 2019 йил 1 январда 2296 та

**Янги ташкил этилган сони**

- 2020 йил 1 январда 892 та
- 2019 йил 1 январда 581 та

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига қурилиш соҳасида 3476 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 828 тага

ёки 31,3 % га кўпдир. Шунингдек, 2019 йил январь-декабрь ойларида вилоятда 892 та кичик бизнес субъектлари янги ташкил этилган, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 312 тага ёки 53,8 фоизга кўпайган.

**Қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектларини таҳлили,** *бирликда*

